

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 4 май, № 87 (5761) Шанба


Янгиликлар, воқеалар,

## хабарлар

*Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида "Ишлаб чиқариш корхоналарининг долзарб муаммоларини ечишда инновацион технологияларнинг аҳамияти" мавзуидаги республика семинари ниҳоясига етди.*

### Инновацион технологиялар — ишлаб чиқаришга

Мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари профессорлари, илмий тадқиқот институтлари олимлари, тадқиқотчилар ҳамда иқтидорли талабалар иштирок этган мазкур анжуманда ноорганик, юқори молекуляр ва органик моддаларнинг кимёвий технологияси, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари ҳамда нефть ва газни қайта ишлаш саноатида юзага келаётган экологик муаммолар атрофлича муҳокама этилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Корхоналар буюртмаси асосида

*"Навоийазот" очиқ акциядорлик жамияти мутахассислари кимё саноати, дори-дармон, қоғоз, лок-бўёқ ва синтетик смола каби маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган тиомочевина ҳамда полиакриламид-гель хом ашёсини тайёрлашни ўзлаштирдилар.*

Таъкидлаш керакки, шу пайтга қадар ушбу маҳсулотлар мамлакатимизга валюта эвазига хориждан келтирилар эди. Жамоа жорий йилнинг биринчи уч ойи давомида ички бозорга қарийб 4 миллиард сўмлик ана шундай маҳсулот етказиб беришга эришди. Бу кўрсаткич мамлакатимиз саноат корхоналарининг эҳтиёжини таъминлаш баробарида, бундай зарур хом ашёни ташқи бозорга ҳам сотиш имконияти юзага келганини англатади.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Замонавий томёпқичлар

*Бухоро шаҳридаги "Лоша қурилишсаноат комплект" масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган замонавий томёпқичлар якка тартибда уй-жой қураётган фуқароларга маъқул бўлмоқда.*

— Ўтган йили банкдан олинган 150 миллион сўмлик кредит эвазига зарур ускуналар харид қилиб, фаолиятимизни бошлаган эдик, — дейди корхона мутасаддиларидан бири Бекзод Норов. — Айни пайтда ўн нафар ишчимиз бор. Биз "Таклифни мижоз беради" шиори остида ишлаб, буюртмачилар ишончини қозонишга ҳаракат қилаяпмиз. Бошқача айтганда, мижоз ўзига қандай ўлчамдаги томёпқич кераклиги хусусида бизга буюртма беради. Ишчиларимиз уни рисоладагидек қилиб тайёрлаб беришади. Ҳозир уч турдаги томёпқичлар ишлаб чиқармоқдамиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Қисқа муддатда юқори натижа

*Тадбиркор Даврон Бегматов томонидан ташкил этилган "Марҳамат сут" хусусий корхонаси ёрлиғи билан савдога чиқарилаётган сут, қатиқ, қаймоқ, пишлоқ сингари бежирим идишларга қадоқланган маҳсулотлар қисқа муддатда харидорлар эътиборига тушди.*

— 14,4 минг АҚШ долларилик сармоя ҳисобига ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди тадбиркор. — Ўн кишилик жамоамиз билан жорий йилнинг дастлабки уч ойида савдо дўконларига 250 миллион сўмлик сут ва сут маҳсулотлари етказиб беришга эришдик. Бу ҳали дастлабки натижалар. Тез орада ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва янги иш ўринлари яратишни режалаштираяпмиз.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

АНЖУМАН

*Иқтисодиётнинг инвестициявий жозибадорлиги қанчалик ошса, унинг тармоқларига жалб этилаётган сармоялар ҳажми ҳам шунчалик кўпайиб бораверади. Бу янги корхоналарни ишга тушириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш имкониятларини кенгайтириши билан аҳамиятлидир.*

## Инвестициявий фаоллик самаралари

Шу боис мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати юритилиб, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини тубдан янгилашга устуворлик берилаяпти. Натижада жорий йилнинг биринчи чорагида ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 4,6 триллион сўмни ташкил қилди. Бу — солиштирма нархларда 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 7,2 фоиз кўпдир.

Инвестиция оқимининг ортиши бевосита тижорат банкларининг самарали фаолиятига боғлиқ. Бу ҳақда Тошкентда бўлиб ўтган, мамлакатимизда молиявий институтларнинг инвестициявий фаоллигини янада жадаллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган республика илмий-амалий анжуманида алоҳида сўз юритилди.

Республика Марказий банки, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳамда Банк-молия академияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, молия-кредит ташкилотларининг етакчи мутахассислари, тижорат банклари ходимлари, юртимизда фаолият юритаётган хорижий молиявий институтлар ваколатхоналари вакиллари, етакчи олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори молия муассасалари ривожида дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти. Ушбу ҳужжат ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида тижорат банкларининг ресурс базаси кенгайиб, инвестициявий фаоллиги тобора ошмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ВА ШИЖОАТ ЭЪТИРОФИ

**5 май — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари ҳамда «Жасорат» ва «Шуҳрат» медаллари таъсис этилган кун.**

ИФТИХОР

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида озод ва обод Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида беқиёс ислоҳотлар амалга оширилаётир. Пировардида ҳар бир юртдошимизнинг қадр-қиммати, орномуси ва ғурури юксалиб, уларнинг янгидан-янги зафарлар, ютуқларга эришишида улкан имкониятлар яратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони ва олий нишон — "Олтин Юлдуз" медали, "Мустақиллик", "Дўстлик" орденлари ҳамда "Жасорат" ва "Шуҳрат" медалларини таъсис этиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилиниши ана шундай эътибор ифодасидир.

"Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони олий даражадаги мукофот бўлиб, мамлакатимиз фуқароларига давлат ва халқ олдидаги фидокорона хизматлари учун берилади. Айрим ҳолларда бу унвон юртимиз фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам берилиши мумкин. "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан тақдирланган шахсга "Олтин Юлдуз" медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат тантанали тарзда топширилади.

Ватанимизнинг юксак мукофотларидан яна бири шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гарови ҳисобланган "Мустақиллик" номи билан аталиши бежиз эмас. Зеро, озод ва обод юртда яшаяпмиз. Бугун тинч ва осойишта хонадонларимизда нуроний отахону онахонларимиз яхши ниятлар билан қўлларини дуога очиб, эзгу тилаклар айтишаяпти.

"Мустақиллик" ордени билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда уни мустаҳкамлашга, республикамизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга қўшган улкан ҳиссалари учун ҳамюртларимиз, шунингдек, Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслар тақдирланади.

(Давоми 2-бетда).

## Амалий санъат жозибаси



*Истиқлол йилларида қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган халқ амалий санъатига муносабат тубдан ўзгарди. Ҳунар аҳлининг эмин-эркин ишлаши, ўз иқтидори ва салоҳиятини юзага чиқариши учун қулайликлар, солиқ борасида имтиёзлар яратилди.*

ҲУНАРМАНДЧИЛИК

Бу ўринда Президентимизнинг "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонини эслашнинг ўзи кифоя. Пировардида ҳунармандчиликнинг қарийб унутилган турлари қайта тикланди. Соҳа равнақ топди.

Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган Жиззах воҳасида ҳам қадимий ҳунар турларини қайта тиклаш ва такомиллаштиришга қизиқувчилар сафи кенгайди. Қувонарлиси, улар орасида ёшлар жуда кўп.

Жиззах туманидаги 36-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси, ёғоч ўймакорлигининг ёш ва иқтидорли вакили Бунёд Зоиржонов, мана, тўрт йилдирки, устачилик билан шуғулланиб келади. Эндигина 14 ёшни қарши олаётган Бунёд ёғоч ўймакорлиги сабоғини устози Ҳилола Акрамовадан олган. Бугунги кунда у ўндан ортиқ турдаги уй-рўзғор буюмларини тайёрлаш билан бирга, отаси Баҳодир Носировдан эшик, дераза ясаш сирларини ҳам мукаммал ўрганаяпти.

Ўтган қисқа давр мобайнида ёш ҳунарманд вилоят, республика миқёсидаги бир қанча танловларда иштирок этиб, ғолиб ва совриндорликни қўлга киритди. Хусусан, 2011 йили "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали республика босқичи совриндори бўлди. "Ташаббус" кўрик-танловининг вилоят босқичида каторасига иккинчи йил "Йилнинг энг ёш намунали ҳунармандй" номинацияси ғолиблигини ўзида сақлаб келаяпти. Ёш ҳунармандннинг яқин келажакдаги орзуларидан бири ўзининг устахонасини очиб, ёғоч ўймакорлиги мактабини ривожлантиришдан иборат.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.



***Кеча пойтахтимиздаги "Туркистон" санъат саройида "Олтин қалам" VIII Миллий мукофоти ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

### «Олтин қалам»:

## ИМКОНИЯТ, РАҒБАТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг узвий таркибий қисми бўлган ОАВ фаолиятини ривожлантириш, журналистлар меҳнатини рағбатлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарори барча медиатузилмалар, нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбаа тарқатувчи ташкилотларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишда муҳим омил бўлмоқда.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни "Олтин қалам" VIII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бунинг яна бир ёрқин эътирофи бўлди.

Ушбу тадбирда турли вазирлик ва идоралар, жамоатчилик, халқаро ташкилотлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари, депутатлар, сенаторлар, фахрий журналистлар, олий таълим муассасаларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари ва талабалар қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

## ЭКОҲАРАКАТДА УЧРАШУВ

*Мамлакатимизга ташриф буюрган БМТнинг Чўлланишга ва қурғоқчиликка қарши курашиш конвенцияси ижрочи котиби Люк Гнакаджа Ўзбекистон экологик ҳаракати, экология ва тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан учрашди.*

Ўзбекистон экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Борий Алихонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида экология муаммоларини бартараф этиш, атроф-муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

БМТнинг 1994 йилда қабул қилинган Чўлланишга ва қурғоқчиликка қарши курашиш конвенциясини бугунги кунда дунёнинг 194 мамлакати имзолаган.

Ўзбекистон 1994 йилнинг 7 декабрида мазкур Конвенцияни имзолаган ва 1995 йилнинг 31 августида бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси унинг миллий ижрочи агентлиги ҳисобланади. Ушбу ҳужжат мажбуриятларини самарали амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонда 1999 йили Миллий ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Қадр — улуғ, хотира — боқий

*Президентимиз ташаббуси билан, мана, ўн тўрт йилдирки, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланмоқда. Шу боис бу сана юртимизда чинакам умумхалқ байрамига, эл эъзозлаган табаррук кунга айланди.*

ҒАМХЎРЛИК

Зеро, ота-боболаримиз суронли уруш майдонларида қандайдир номаълум тепаликни эгаллаш, унга қизил байроқни ўрнатиш учун эмас, хаёлида, авваламбор, падари бузруквори, волидаи муҳтарамаси, фарзандлари, севимли ёри, уларнинг келажаги ва тинч ҳаёти учун жон фидо қилган. Шу боисдан ҳам халқимиз бу фидойилар ёдини муқаддас билиб, улар номларини мамлакатимиз пойтахтидаги, ҳар бир вилоят марказидаги, жумладан, Навоий шаҳридаги меъмориал ёдгорликларнинг айвонларидаги Хотира китобларига олтинранг ҳарфлар билан муҳрлаган.

Айни пайтда эса Президентимизнинг 25 апрелда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар ташкил этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ТАДБИР

*Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида пойтахтимиздаги Ёшлар мультимедиа телекомплексида ОАВ ходимлари учун ноёб лойиҳа — “on-line тренинг маркази”нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур марказ журналистикага янгича таълим йўналишларини олиб кириш, энг сўнгги русумдаги мультимедиа воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш имконини беради.*

# ОАВ ва истиқболли лойиҳалар

Лойиҳа ЎзЭОАВМА ва “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, ЕХҲТ, шунингдек, бошқа ҳомийлар кўмагида амалга оширилмоқда. Тадбирда маҳаллий ва халқаро жамоатчилик ташкилотлари, дипломатик корпус, вазирликлар ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Унда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Г. Каримова, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф. Абдухолиқов ва бошқалар “On-line” тренинг-маркази” замонавий журналистикани ўргатишда беқиёс аҳамият касб этишини таъкидладилар. Айтиш жоизки, республикамизда Президентимиз раҳнамолигида ахборот жабҳасини бугунги кун талаблари асосида ислоҳ қилиш, унга замонавий технологияларни кенг татбиқ этиш, нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, соҳа кадрларини тайёрлаш, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

“On-line” тренинг маркази” ҳам ана шу эзгу саъй-ҳаракатларни янада самарали давом эттиришда айни муддаодир. У ерда ўқиш ва ишлаб чиқариш ўзаро уйғун ҳолда олиб борилади. Сабаби тренинг марказларнинг бу каби тармоғи олий ўқув юртларида таҳсил олаётган бўлажак мутахассисларнинг амалий кўникмаларини янада кучайтириш, ҳудудлардаги ОАВ ходимларига масофадан туриб назарий жиҳатдан билимларини оширишга, табиийки, бу сабоқларни ўз фаолиятларида қўллаш имконини беради. Хусусан, бу ерда турли мавзуларда семинар-тренинглар, ўқув фильмлари кўриклари, ҳудудий медиа кенгашлар йиғилишлари ўтказилиши кўзда тутилган. Ўз навбатида, таълим жараёнларини бевосита ёки тегишли веб-сайтда кузатиб бориш мумкин. Бунда медиа-майдончаларга жараёнларни сифатли узатувчи махсус камералар ўрнатилгани қўл келади, албатта.

Лойиҳа асосида Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ҳудудий нодавлат телестанциялар базасида махсус ўқув-ишлаб чиқариш пунктларини ташкил этиш ҳам режалаштирилган. Улар масофадан туриб он-лайн усулда ўқитиш — вебинарлар, видеоконференциялар ўтказиш имкониятига эга аудио-видео ускуналар билан таъминланиб, VPN-алоқа орқали ўзаро боғланишади. Шундай қилиб, бутун мамлакатни қамраб олган ягона медиа-майдон яратилади. Айни чоғда тренинг марказлар доимий равишда профессионал он-лайн мулоқот ташкил этиш, хорижлик экспертлар иштирокида маҳаллий тележурналистларга амалий маслаҳатлар беришга хизмат қилади.

Маросим доирасида ҳудудий телестанцияларда бунёд этилган медиа-майдончалар билан жонли уланишлар ўтказилди ҳамда Самарқанд, Навоий, Марғилон, Қўқон, Қарши, Термиз, Бухоро ва Тўрткўлдаги ҳудудий студиялар билан телекўприклар ўрнатилди. Чунончи, Самарқанд ёшлар телестудияси вакиллари СТВ каналидаги ёшлар телеклубини тақдим этди.

Литва Журналистлари уюшмаси раиси Д. Радзявичус, “Минтақавий мулоқот” нодавлат нотижорат ташкилоти (Словения)нинг Ўзбекистондаги филиали директори М. Север, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи К. Пиккат, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Д. Сабо, К. Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё бўйича раҳбари Т. Кунце (Германия), АҚШлик таниқли продюсерлар М. Брасерт, Б. Макдональд ва бошқалар Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини изчил тараққий топтириш, бу борада соҳа учун тажрибали мутахассислар тайёрлаш йўлида ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар ўзининг юксак натижаларини бераётганини эътироф этдилар. Улар Ўзбекистон Ёшлар телестудиялари фаолияти билан танишиб, жумладан, Он-лайн тренинг марказини ўзига хос, ноёб ва самарали медиа-лойиҳа сифатида юқори баҳоладилар.

Тадбирда Франциянинг CFI телеканали халқаро эксперти Р. Гезельбаш “Форум ТВ” телеканали ижодий гуруҳи билан ҳамкорликда тайёрлаётган “Асрлар садоси” фестивали ҳақидаги фильми ҳақида сўзлаб берди.

Тадбир якунида иштирокчилар рақамли узатиш тизимига ўтишидаги навбатдаги босқичига ўтган “Форум ТВ” ҳамда НТТ телеканалларининг янгиланган эфир студиялари билан танишдилар.

**С. МАХСУМОВ.**

# ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ВА ШИЖОАТ ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қонун ҳужжатларида қайд этилганидек, давлат мукофотлари айрим ҳолларда мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликларига ҳам берилади.

Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 20 августдаги Фармонига биноан, юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун ҳамда 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкент шаҳри “Мустақиллик” ордени билан мукофотланди.

Бугун республикамизда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда. Барча миллат ва элат вакилларининг тили, урф-одатлари, анъаналари ҳурмат қилиниши, ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилган. Миллатлараро тотувлик, дўстлик юртимиздаги барқарорлик ҳамда тараққиётнинг муҳим омилидир. Бинобарин, “Дўстлик” ордени мамлакатимиз фуқаролари Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш ишида эришган катта ютуқлари, халқимизнинг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган фуқароларни мукофотлаш мақсадида таъсис этилган. Ушбу мукофот соҳиблари орасида нафақат юртдошларимиз, айни пайтда бошқа мамлакатлар фуқаролари, хорижий элчихона ва ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам бор.

Осуда ҳаётимизни таъминлашда миллий армиямиз, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларининг масъулияти юксакдир. Мустақиллик йилларида ҳарбий хизматчилар, миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ходимларининг республикамиз миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий бурчини ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган мардлик ҳамда жасоратлари учун “Жасорат” медали билан тақдирланиши йўлга қўйилди.

“Шуҳрат” медали билан эса мамлакатимиз иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантиришга, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга ўзининг ҳалол меҳнати билан катта ҳисса қўшаётган кишилар тақдирланади.

Ғурур ва ифтихор инсонни руҳлантиради. Шу маънода, истиқлол ҳар бир инсонга эл-юрти, яқинлари, фарзандлари бахти учун яшаш, энг муҳими, азиз ва мўътабар Ватани тараққиёти учун меҳнат қилиш имконини берди. Фидокорона меҳнати, шижоати ва ташаббускорлиги билан турмушимизни обод этишга аҳд қилган юртдошларимиз доимо қадрланиб, эъзоз топаверади.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

# ЭКОҲАРАКАТДА УЧРАШУВ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Орол денгизининг қуриши оқибатида мазкур денгиз тубида ҳосил бўлган туз ва чанг бўронлари кўтарилишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддат ичида 200 минг гектардан зиёд майдонга саксовул, черкез каби дарахт кўчатлари, буталар экилди. Ўтган йилнинг ўзида 240 минг гектардан ортиқ ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Мулоқот чоғида таъкидланганидек, чўлланиш, ер деградацияси ва қурғоқчилик жиддий иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид солаётир. Конвенцияга аъзо томонларнинг 2012 йилдаги ҳисоботига кўра, дунёнинг қурғоқчил минтақаларидаги ер деградацияси Конвенцияга аъзо 168 мамлакат ҳудудига салбий таъсир кўрсатмоқда. БМТнинг Чўлланишга ва қурғоқчиликка қарши курашиш конвенциясининг ишлаб чиқилиши ва кучга кириши ана шундай салбий оқибатларни енгиллатиш бўйича самарали чоралар кўришга хизмат қилмоқда.

— Ўзбекистонда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, мамлакат ва бутун минтақада экологик вазиятни яхшилашга катта эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлдим, — деди Люк Гнакаджа. — Мамлакатингизда бу борада табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган халқаро нормаларга мос ҳуқуқий база яратилгани, мақсадли давлат дастурлари, миллий ҳаракат режалари рўёбга чиқарилаётгани амалда ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш соҳасида ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни изчиллик билан бажараётир.

Учрашувда Конвенция котибияти фаолияти ҳамда Ўзбекистондаги экологик йўналишдаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг Миллий ҳаракатлар дастурини амалга оширишдаги иштироки ҳақида батафсил фикр алмашилди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Инвестициявий фаоллик самаралари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2013 йилнинг дастлабки уч ойида банк тизимининг жами капитали 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 23,5 фоизга, уларнинг жами активлари 30,5 фоизга кўпайгани ана шундан далолат беради.

Анжуманда молиявий ташкилотларнинг фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдаги ролини янада кучайтириш, хорижий инвестициялар ва ички ресурсларни жалб қилишни кенгайтириш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шундан сўнг конференция иши секцияларларга бўлинган ҳолда давом эттирилди. Секцияларда 40 дан зиёд илмий маъруза ва чиқишлар қилинди.

Якунда муҳокама этилган масалалар юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қадр — улуғ, хотира — боқий

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айниқса, жамғарма қошида тузилган “Мадад” ва “Ғамхўрлик” гуруҳлари орқали уруш қатнашчилари, ёлғиз, меҳр-мурувватга муҳтож кексалар хонадонига бориб, улар ҳолидан хабар олинмоқда. Хусусан, маҳаллаларда уруш ва меҳнат фахрийларининг ёшлар билан учрашувлари анъанага айланиб бораётир.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг Навоий вилояти бўлинмаси томонидан 550 нафар уруш қатнашчиси, ёлғиз ва ногирон кексалар, Ватанимиз тинчлигини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган хизматчилар оилаларига радио-техника воситалари тарқатилаяпти.

Байрам муносабати билан ўтказилаётган барча тадбирларда нуронийларимиз бугунги осуда ҳаёт қадри, фаровон турмушимиз ҳақида ўз фикрларини билдиришиб, шукроналар айтишмоқда.

**Нормурод ИСОҚОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Навоий вилояти бўлинмаси раиси.**

## «Олтин қалам»:
# ИМКОНИЯТ, РАҒБАТ ВА МАСЪУЛИЯТ



Баҳтиёр АКРАМОВ олган сурат.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тантанада сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов ва бошқалар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида оммавий ахборот воситаларини босқичма-босқич равнақ топтириш, миллий матбуотимизнинг таъсирчанлигини ошириш, бунинг учун барча шарт-шароитни яратиш масаласи Юртбошимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган “Олтин қалам” миллий мукофоти миллий ва халқаро журналистиканинг энг яхши ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намоён этиши учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадларига хизмат қилаётир.

Танловнинг Бош миллий мукофотини қўлга киритган “Самарқанд - СТВ” телевизион ижодий уюшмаси махсус диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича совриндорлари ҳам диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Тадбирда БМТ, ЮНЕСКО, ЕХҲТ, Жаҳон банки, “Минтақавий мулоқот” (Словения) каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

**М. ЎРОҚОВ.**

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА “ОЛТИН ҚАЛАМ” VIII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

**Журналистика соҳасида**
**Бош миллий мукофот**

**“Самарқанд-СТВ” телевизион ижодий уюшмаси** — директори **Аъзамжон Салоҳиддинов**

Мамлакатимизда нодавлат электрон ОАВни ривожлантириш ва ахборот соҳасини демократлаштиришга қўшаётган ҳиссаси ҳамда вилоятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид долзарб мавзудаги таҳлилий-танқидий кўрсатувлари учун

**Асосий номинациялар**
**Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):**

*1-ўрин:*
**Элмурод Бозоров** — ЎзМТРК “O‘zbekiston” телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририятининг сиёсий шарҳловчиси

Дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар таҳлили мисолида тинчлик ва барқарорликни қадрлашга даъват этувчи, айниқса, ёшларда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлашга қаратилган “Тинчлик учун курашмоқ керак” рукнидаги кўрсатувлари учун

*2-ўрин:*
**Дилшод Бўриев** — ЎзМТРК “Тошкент” телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ободонлаштириш ва коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга оид “Очиқ мулоқот” туркумидаги таҳлилий-танқидий материаллари учун

*3-ўрин:*
**“Рухсор” телерадиоканали (Фарғона вилояти)** — ижрочи директори **Дилшодбек Йўлдошев**

Вилоятда амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, “Мустаҳкам оила йили” ҳамда “Обод турмуш йили” Давлат дастурларида белгиланган вазифалар ижроси кенг ёритилган туркум кўрсатувлари учун

**Энг яхши журналистик материал учун (радио):**

*1-ўрин:*
**Гулбаҳор Давирова** — ЎзМТРК “O‘zbekiston” телерадиоканали “Ахборот” информацион эшиттиришлар муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси

Мамлакатимизда ва дунёда кечаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий жараёнлар ва долзарб воқеалар тезкор ёритилган, шунингдек, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши, таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг боришига оид таҳлилий материаллари учун

*2-ўрин:*
**НРТ радиоси “Кун tafsiloti” дастури ижодий гуруҳи** — раҳбари **Нигора Хўжаева**

Республикамиз ҳаётининг турли жабҳаларида рўй бераётган янгиланишлар, ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар кенг ёритилган эшиттиришлари учун

*3-ўрин:*
**Дилдора Мардиева** — “Yoshlar” телерадиоканали ЁАЖ Маданий-маърифий, илмий-оммабоп ва таълим дастурлари муҳарририяти катта муҳаррири

Жисмонан соғлом, маънан юксак, билимли ёшларни вояга етказиш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, менталитетимизга зид турли ёт таъсирлардан асраш масалаларига бағишланган “Нуқтаи назар” ва “13-студия” туркум эшиттиришлари учун

**Энг яхши журналистик материал учун (босма ОАВ):**

*1-ўрин:*
**“Ваш налоговый консультант — Солиқ Инфо” газетаси таҳририяти** — бош муҳаррири **Феруза Ҳакимова**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг мазмун-моҳиятини, соҳадаги янгиликларни аҳолининг турли қатламларига тезкорлик билан етказишга қаратилган фаолияти учун

*2-ўрин:*
**“Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти** — бош муҳаррири **Фармон Тошев**

Республика ва вилоят ҳаётидаги демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар кенг ёритилган ҳамда жамиятда учраб турадиган муаммо ва камчиликлар атрофлича таҳлил этилган материаллари учун

*3-ўрин:*
**Анвар Қулмуродов** — “Қишлоқ ҳаёти” газетаси бош муҳаррири ўринбосари

“Мустаҳкам оила йили” ва “Обод турмуш йили” Давлат дастурлари ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар кенг ёритилган мақолалари учун

**Энг яхши журналистик материал учун (Интернет-журналистика):**

*1-ўрин:*
**Меҳрибон Маметова** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг Республика ахбороти таҳририяти етакчи муҳаррири

Давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим аҳамиятга молик тадбирлардан тайёрлаган репортажлари, таҳлилий мақолалари, шарҳлари, тезкор хабарлари учун

*2-ўрин:*
**Давронбек Тожиалиев** — “ziyouz.com”, “ziyouz.uz” веб-сайтлари бош муҳаррири

Халқимизнинг кўп асрлик маънавий қадриятлари, маданиятини кенг тарғиб қилиш, миллий манфаатларимизни ҳимоялаш, ёшларни турли ахборот хуружлари, жумладан, “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан асрашга қаратилган журналистик фаолияти учун

*3-ўрин:*
**Александра Терехина** — “Учитель Узбекистана” газетаси мухбири

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросига доир туркум мақолалари учун

**Халқаро ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари:**

**БМТ АХБОРОТ МАРКАЗИ**
**Мингйиллик ривожланиш мақсадларини рўёбга чиқариш масалалари ёритилган энг яхши материал учун:**

**Азамат Суюнов** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бирлашган таҳририяти масъул котиби

**ЮНЕСКО**
**Барқарор тараққиёт: таълим, фан ва техника масалалари бўйича энг яхши таҳлилий материал учун:**

**Муталибжон Каримов** — Фарғона вилояти Қўштепа тумани “Истиқбол йўли” газетаси масъул котиби

**ЕХҲТ**

1. **“Гиёҳвандлик — хавфсизликка трансмиллий таҳдид” мавзусидаги энг яхши материал учун:**

**Георгий Петросян** — Ўзбекистон Республикаси ИИВ бирлашган таҳририяти масъул котиби ёрдамчиси

2. **“Одам савдоси — хавфсизликка таҳдид” мавзусидаги энг яхши материал учун:**

**Наргис Қосимова** — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети доценти

**ЖАҲОН БАНКИ**
**“Халқ таълимига киритилган инвестициялар” мавзусидаги энг яхши материал учун:**

**Улуғбек Асроров** — “Туркистон-пресс” нодавлат ахборот агентлиги шарҳловчиси

**“МИНТАҚАВИЙ МУЛОҚОТ” (Словения)**
**Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш мавзусидаги энг яхши журналистик материал учун:**

1. **“Диёнат” газетаси таҳририяти** — бош муҳаррир Исроил Юсупов
2. **Тошпўлат Раҳматуллаев** — фахрий журналист

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ**
**Обод турмуш йилига бағишланган энг яхши журналистик материал учун:**

1. **Алланазар Абдиев** — “Маданият ва спорт” газетаси бош муҳаррири (Қорақалпоғистон Республикаси)
2. **Муҳаммаджон Мақсудов** — Наманган вилояти телерадиокомпанияси директори

КЎРГАЗМА

*Юртимизда “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифалар, хусусан, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини битираётган йигит-қизларни ишга жойлаштириш, айниқса, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.*

# Ёшлар бандлигини таъминлаш — устувор вазифа

Куни кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган “Мутахассислик сайли” тадбири ана шу саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми бўлиб, у йигит-қизларнинг ҳаётимизда муносиб ўрин эгаллашларида муҳим ўрин тутади.

“Биз Президент фарзандларимиз!” шиори остида ташкил этилган мазкур тадбирнинг шаҳар босқичида пойтахтимиздаги 27 та олий ўқув юрти, 150 га яқин корхона, ташкилотлар ўз кўргазмалари билан фаол иштирок этди.

Кўргазмада академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшларга олий ўқув юртлари вакиллари томонидан олий таълим муассасасидаги таълим йўналишлари, мутахассисликлар, талабаларнинг ижтимоий ва маданий ҳаёти бўйича атрофлича маълумот берилди.

— Тадбирда қатнашиб, танлаган соҳам бўйича ўқишни давом эттириш ҳақидаги фикрим янада қатъийлашди, — дейди Тошкент кимё-технология институти қошидаги академик лицей битирувчиси Муродилла Сайфуллаев. — Шу боис янада кўпроқ ўқишим, изланишим, табиий фанларни чуқурроқ ўзлаштиришим керак. Бунинг учун эса мамлакатимизда барча зарур шарт-шароит яратилган. Мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, юртимиз тараққиётига муносиб улуш қўшиш бугун ҳар биримизнинг онгу шууримизга сингиб бормоқдаки, бу Ватанимиз келажаги, равнақи учун жуда муҳимдир.

— Молия йўналиши бўйича ўқишни битираяпман, — дейди Тошкент иқтисодиёт ва бизнес коллежи битирувчиси Дилдора Деҳқонова. — Ўз танлаган соҳам бўйича ишлашни жудаям хоҳлайман. Шу боис ўтказилган тадбирда “Ипотека-банк”да ишлашга йўлланма олдим. Бу ўз иқтидоримни тўла-тўкис намоён этишимга катта имконият яратади.

Шунингдек, тадбирда касбга тайёрлаш бўйича ўқув марказларининг фаолияти ҳам яқиндан таништирилди.

— Бугунги кунда ёшлар, айниқса, уй-рўзғор юмушлари билан банд бўлган хотин-қизларнинг касб-ҳунар эгаллашга бўлган қизиқишлари тобора ортиб бораётгани кишини қувонтиради, — дейди Тошкент шаҳар ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув маркази мутахассиси Дилдора Зокирова. — Ўқув марказимизда ҳар йили ўрта ҳисобда 3,5 мингдан 5 минг нафаргача фуқаролар касбга тайёрланади.

Кўргазма давомида кўплаб ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Фаровонлик ва ривожланиш омили

*Тошкент давлат иқтисодиёт университетида “Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш йўллари” мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, иқтисодчи-олимлар ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.*

2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Таъкидландики, Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, энг аввало, инсон ва унинг манфаатларига қаратилган. Мамлакатимизда жорий йилга “Обод турмуш йили” деб ном берилгани замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассамдир.

Дарҳақиқат, қабул қилинган Давлат дастурида аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш, ҳаёт даражасини юксалтириш энг устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Бунинг самарали йўли сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янада қулай ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш чоралари кўрилаётгани қувонарлидир. Негаки, республикамизда иш билан банд аҳолининг асосий қисми кичик ишлаб чиқариш субъектларига жалб этилган бўлиб, улар даромадининг кўпайиши бевосита ушбу соҳа истиқболига боғлиқ. Шу боис ҳам, кичик бизнес ҳамда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги комплекс чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Натижада жорий йилнинг дастлабки уч ойи давомида 7,2 мингта кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Уларнинг катта қисми савдо ва умумий овқатланиш соҳаси, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги тармоқларида фаолият кўрсатаётир.

Анжуманда “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар аҳоли даромадини ошириш, пировардида ижтимоий шароитларини яхшилаш, замонавий тураржойларга эга бўлиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди. Шу йилнинг дастлабки чораги мобайнида мамлакатимиз бўйича иш ҳақи 18,4 фоиз, умуман олганда, аҳоли жами даромади 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 15,6 фоизга ошгани бунга мисол бўла олади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақияти, аҳоли турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш бўйича эришилган шу каби ютуқлар етакчи халқаро ташкилотлар ҳамда экспертлар томонидан кенг эътироф этилиб, муносиб баҳоланмоқда. 2012 йилда Буюк Британиянинг халқаро миқёсда тан олинган Легатум институти ўзининг Фаровонлик ва ривожланиш индексида Ўзбекистонни дунё мамлакатлари орасида ҳақли равишда 64-ўринга киритгани эътиборга лойиқдир.

Тадбир иштирокчилари куннинг иккинчи ярмида шўъбаларга бўлинган ҳолда, Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий тараққиёт йўли, оилавий тадбиркорлик ҳамда деҳқон хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари, жойларда саноат тармоқларини кенгайтириш ва ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш масалаларига бағишланган туркум маърузаларни тинглашди.

**Шаҳноза ЭРГАШЕВА.**

# Қишлоғимиз — фахримиз

*Бир пайтлар қишлоқ ва шаҳарни солиштириб кўрсангиз, бир-биридан ер билан осмонча фарқ қилар эди. Одамларнинг дунёқараши ҳам шунга яраша, яъни “Бизга шуниси ҳам бўлаверади”, қабилида эди.*

ДИЛ СЎЗИ

Минг шукрки, юртимиз истиқлолга эришгач, Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш устувор вазифалардан бирига айланди. Айниқса, қишлоқ аҳолисини уй-жой, тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан таъминлаш, жойларда хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этиш борасидаги ишлар кўлами беқиёс даражада кенгайди. Натижада ўтган қисқа фурсатда одамларнинг ҳаёт тарзи ўзгариб, қишлоғимиз янгича қиёфа касб этди. Гап шундаки, бугун “Дўстлик” массивимизда намунавий лойиҳалар асосида қурилган 55 та тураржой, худди узукка кўз қўйгандек, ярашиб турибди. Бу ерда бунёд этилган болалар майдончаси, стадион, тикувчилик цехи, профилактика инспектори ва посбонлар хоналарини ўз ичига олган маҳалла гузари, супермаркет, новвойхона, сартарошхона янги уй-жой эгалари билан бирга, қишлоғимизда истиқомат қилаётган олти минг нафардан зиёд аҳолига хизмат қилмоқда.

Янги уй-жойга эга бўлган ҳамқишлоқларимизнинг қувончи эса бир олам. Айниқса, массивда ўтказилган ҳовли тўйлари уларнинг ёдида бир умр қолиши, шубҳасиз. Негаки, бу маросимларда яқинда мамлакатимизда бўлиб ўтган “Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзуидаги халқаро конференция қатнашчиларидан бир гуруҳи ҳам иштирок этди. Хорижлик меҳмонлар бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишиб, унга юксак баҳо берганларида эса тўлқинланиб кетдик.

Дарҳақиқат, қишлоғимиз — фахримиз. Замонавий уй-жойлар эса одамларимизда обод ва янгича турмуш кечириш маданиятини шакллантириш баробарида, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

**Бўсин ХОЛБОЕВ,**
**Пскент туманидаги «Келовчи» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.**

ФАН ВА АМАЛИЁТ

*Сайёрамиздаги табиий бойликларнинг тобора камайиб бораётгани дунё миқёсида муқобил энергия манбаларига бўлган эҳтиёжнинг ортишига олиб келмоқда. Шу боис ҳам ҳозир аксарият ривожланган давлатлар илмий тадқиқот ишларининг ушбу йўналишини фаол қўллаб-қувватлаш ва бу орқали келажак учун муносиб пойдевор яратишга интилишаяпти. Инновацион ғоялар, лойиҳалар ва ишланмаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида йўналтирилаётган инвестициялар ҳажмининг йил сайин ортиб бораётгани мисолида ҳам буни яққол англаш мумкин.*

# Келажак энергияси

**Муқобил энергия манбаларига ана шундай таъриф бериш мумкин.**

Таъкидлаш жоиз, муқобил энергия манбаларининг яратилиши ва кенг жорий этилишига бўлган талабнинг ўсиши ўзига хос омиллар билан изоҳланади. Биринчидан, улар экологик жиҳатдан безарар. Иккинчидан, анъанавий энергия манбалари — нефть, газ ва кўмирнинг таннархи йил сайин ошиб бораяпти. Тўғри, муқобил энергия манбаларининг таннархи ҳам ҳозирча нисбатан юқори. Лекин технологиялар такомиллашиб бориши натижасида унинг йил сайин тушиши кузатилмоқда. Масалан, халқаро экспертларнинг фикрича, 2014 йилдан бошлаб биоэнергиянинг таннархи анъанавий турдаги энергия таннархи билан тенглашади.

Шулардан келиб чиқиб айтганда, Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилингани долзарб аҳамиятга эгадир.

Қайд этиб ўтилганидек, юртимизда муқобил энергия манбаларидан, энг аввало, қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориш борасида салмоқли тажриба тўпланган. Улар юзасидан бир қанча ўн йиллар мобайнида ишланмалар олиб борилмоқда. Республикада Марказий Осиёда ўхшаши йўқ илмий-экспериментал марказ — Фанлар академиясининг “Физика — Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил қилинган. Унинг тадқиқотлари натижалари жаҳон миқёсида эътироф этилган. Иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паст потенциалли қурилмаларни яратиш, электр қуввати олиш учун фотоэлектрик ва термодинамик ўзгарткичлар, махсус материаллар синтези технологияларида, материаллар ва конструкцияларга термик ишлов беришда қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, айниқса, фаол ва самарали давом эттирилаяпти. Ўтказилаётган тадқиқотларнинг натижалари мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқ ва соҳаларида амалда экспериментал равишда кенг кўламда қўлланилаётир. Қатор олий таълим муассасаларида жамланган илмий салоҳияти томонидан ҳам муқобил энергия манбаларини ўрганиш борасида бир неча ўнлаб рақобатбардош илмий ишланмалар яратилган, ихтиро ёки фойдали модель сифатида патентланган. Бундай ишланмалар қаторида нафақат қуёш энергиясидан фойдаланиш, балки биоёқилғи олиш, шамол генераторларини яратиш ва камқувватли гидроэлектр қурилмаларини жорий этиш кабиларнинг мавжудлиги қувонарлидир.

Фармонда ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, қуёш ҳамда биогаз энергиясини ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларни рағбатлантириш, уларга солиқ, божхона имтиёзлари ва афзалликлар бериш кўзда тутилгани соҳа тараққиёти учун қанчалар кенг йўл очиб берилаётганини англатади.

Гап муқобил энергия манбаларидан фойдаланишда ривожланган давлатлар тажрибаси ҳақида борар экан, мисол сифатида кўпроқ Германия тилга олинади. Бу ерда алоҳида давлат дастури қабул қилингани, шу асосда изчил саъй-ҳаракатлар давом эттирилаётгани туфайли бугунги кунда мамлакатда жами йиллик энергия сарфининг 8 фоизга яқини муқобил манбалар ҳиссасига тўғри келмоқда. Жаҳон миқёсида бу кўрсаткич ўртача 2,5 фоизни ташкил этади.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида замонавий фан-техника ютуқларини пухта эгаллаган, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида илмий лабораториялар, марказлар фаолиятини йўлга қўйиш белгилаб берилган эди. Шундан келиб чиқиб, Андижон давлат университети ҳузурида “Экспериментал биология ва экология” илмий лабораторияси ташкил этилган. Бу ерда экологик тоза энергия манбаларини яратиш борасида амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Масалан, оқова сувларни тозалаш хусусиятига эга эйхорния ўсимлигининг танасидан биогаз олиш технологияси ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирда саноат миқёсида жорий қилишга мўлжалланган қурилмани яратиш ҳаракатлари давом эттирилмоқда. Шунингдек, қуёш фотоэлектрик элементлар тадқиқотига йўналтирилган изланишларимиз ҳақида тўхталсак, аналогларига нисбатан деярли уч баробар кам материал сарфига эга янги қуёш генераторига патент олинди ва мазкур ишланма 2012 йилда “Республиканинг энг яхши фойдали модели” деб топилди. Бундан ташқари, қуёш энергияси ҳисобига ишлайдиган кўча ёриткичларининг самарали конструкциялари яратилди ва айни пайтда уларни жорий этишга киришилган. Ўзбекистонда шу йил охирига бориб қуёш фотоэлектрик панелларнинг саноат миқёсида ишлаб чиқарилиши мазкур ишланмаларни амалиётга жорий этилишига кенг имкониятлар очади.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда муқобил энергия манбаларини яратиш ва такомиллаштириш, ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш каби долзарб вазифалар рўёбига хизмат қилади. Иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигини таъминлашга катта туртки беради.

**Толибжон МАДУМАРОВ,**
**Андижон давлат университети ректори, биология фанлари доктори, профессор.**
**Раймжон АЛИЕВ,**
**АДУнинг илмий ишлар бўйича проректори, техника фанлари доктори, профессор.**

ЭЗГУЛИК

*“Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижроси доирасида Фарғона вилоятида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилаяпти.*

# Болажонларга туҳфа

Жумладан, яқинда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Фарғона шаҳридаги Меҳрибонлик уйига “Дамас” автомашинаси туҳфа этилди.

Эндиликда маскан тарбияланувчилари ушбу транспорт воситасида водийнинг тарихий қадамжолари, табиатнинг сўлим гўшаларига чиқиш имкониятига эга бўлдилар. Шу билан бирга, шаҳар молия бўлими кўмаги билан муассасага замонавий мебель жиҳозлари харид қилиш учун қўшимча маблағ ҳам ажратилди.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Рақобат ортиб бораяпти

***Дунё миқёсида планшет қурилмаларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.***



Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида халқаро бозорда 49,2 миллион дона шундай техника воситаси сотилган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки ярим бараварга кўпдир. Планшет савдоси бўйича ҳали-ҳамон “Apple” компанияси пешқадамлик қилаяпти. Аммо йилдан-йилга унинг умумий бозордаги улуши тушиб бораётир. Масалан, бир йил аввал жами харид қилинган планшетларнинг 58,1 фоизи ушбу компания ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2013 йилнинг январь — март ойларида бу рақам 39,6 фоизни ташкил этди.

Мутахассисларнинг изоҳлашича, АКТ бозоридаги ҳолатнинг бундай ўзгариши “Apple” рақобатчилари саналган “Samsung”, “Asus”, “Amazon” каби компаниялар маҳсулотларига бўлган талабнинг тобора ортиб бораётгани билан боғлиқ.

## Қидирув давом этмоқда

***Яқинда Бангладеш пойтахти Дакка шаҳридаги кўп қаватли бинолардан бири қулаб тушганди.***

Қидирув ишлари ҳали тўлиқ якунига етгани йўқ. Қурбонлар сони эса кун сайин ортиб бораяпти. Сўнгги маълумотларга қараганда, 501 киши бахтсиз ҳодиса қурбонига айланган.

Хўш, кўп қаватли бино нима учун ўз-ўзидан қулаб тушди? Ҳозирча мазкур саволга аниқ жавоб топилганича йўқ.

## Робот-илон яратилди

***АҚШдаги Массачусетс технология институти муҳандислари букилувчан робот-илон яратишди.***



Мазкур тадқиқот иши ҳақида “Bioinspiration & Biomimetics” журнали батафсил маълумот берган. Ноодатий роботда тўртта мустақил ҳаракатланувчи мослама мавжуд. Кузатиш камераси, ҳаракатланишга кўмаклашувчи эластик полимер шулар жумласидандир. “Жонивор”нинг тезлиги секундига 19 миллиметрни ташкил этади.

Робот-илондан археология ишлари, инсон танаси сиғмайдиган жойларни тадқиқ қилиш ва шу каби бошқа эзгу мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлади.

## Ёрдамни кучайтириш зарур

***Сомалида 2010 — 2012 йилларда очарчиликдан 258 минг киши вафот этган. Уларнинг ярми беш ёшгача бўлган болалардир.***

Бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳисоботида маълум қилинди. Таъкидланишича, бугунги кунда тўрт миллионга яқин фуқаро озиқ-овқат танқислигидан азият чекмоқда. Мамлакат аҳолиси ўн миллион кишини ташкил этади.

Экспертларнинг таъкидлашича, халқаро ҳамжамият Сомалига етарли даражада инсонпарварлик ёрдами кўрсатмаяпти.

## Қизиқиш нега сусайди?

***Дунёга машҳур ижтимоий тармоқлардан бири — “Facebook” сўнгги бир йил ичида АҚШдаги 11 миллион фойдаланувчисидан айрилди.***




“The Guardian” газетасида ёзилишича, 2012 йилда мазкур тармоққа 153 миллион фойдаланувчи кирган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 142 миллионни ташкил этди. Таҳлилчилар фикрича, ташкилот ўтган йили смартфон қурилмалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганди. Бундан ташқари, “Facebook”нинг мобиль телефонлари сотиладиган йирик дўкони ҳам фаолият юритмоқда. Ана шуларга эътибор қаратилиши туфайли сайтни такомиллаштириш ишлари сусайган бўлиши мумкин. Бу эса, ўз-ўзидан, фойдаланувчилардаги қизиқишнинг пасайишига олиб келган.

## Маълумотлар базасига киберҳужум

***Хитойлик хакерлар АҚШ мудофаасига оид қимматли маълумотларни ўғирлаганликда айбланмоқда.***

“Bloomberg” нашрининг ёзишича, кибержиноятчилар бу ҳужумни уч йил давомида, яъни 2007 — 2010 йиллар оралиғида амалга оширишган. Якунда улар йирик ҳажмдаги маълумотларни қўлга киритганлар.

Америкалик мутахассислар мазкур ўғирлик қандай йўл билан бажарилганини аниқлашга уринишаяпти.



***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
**Бухоро вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

*Аукцион савдосига Суд департаменти Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:*

**1.** Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд кўчасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли «Орзу» уй-жой комплекси мулкий мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 3 620 293 553 сўм.***

**2.** Бухоро шаҳри, «Отбозор» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, 1 (бир) гектарлик иссиқхона.

***Бошланғич баҳоси — 1 083 286 052 сўм.***

**3.** Бухоро шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 6 августдаги ЖСК-1-222/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Қ. Муртазоев кўчасида жойлашган, умумий майдони 500,0 кв.м.дан иборат икки қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган 21-уй-жой биноси.

***Бошланғич баҳоси — 642 241 017 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 23 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 21 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг «Туронбанк» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават.**
**Телефон: (8-365) 223-71-30. www.1kms.uz**

705А/11453

*Лицензия: RR-0001.*

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
**Наманган вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Косонсой тумани СИБ томонидан ФИБ Наманган туманлараро судининг 2011 йил 5 апрелдаги 1-1464 сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Косонсой тумани, «Ёшлик» ҚФЙ, «Жар» МФЙда жойлашган, «Юсупбой Араббой» Х/Кга тегишли, умумий ер майдони 3838,74 кв.м., бино ва иншоотларнинг фойдаланиш майдони 1548,25 кв.м., қурилиш ости майдони 1099,40 кв.м. бўлган маъмурий идора бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 267 969 032 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 4 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 31 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

**Манзил: Наманган шаҳри,**
**Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.**
**Телефон: (8-369) 226-54-47. www.1kms.uz**

706А/1453

*Лицензия: RR-0001.*

● Реклама ва эълонлар ●

***Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржаси акциядорлари диққатига!***

*2012 йил якуни бўйича ўтказиладиган умумий йиғилишда талаб қилиб олинмаган дивидендларнинг ҳисобдан чиқарилиши масаласи кўриб чиқилиши режалаштирилган. Шу муносабат билан 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра ҳисобланган дивидендларни олмаган акциядорлардан 2012 йил якуни бўйича ўтказиладиган умумий йиғилишга қадар ўз дивидендларини олишларини сўраймиз.*

*Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг VI бўлим, 56-моддасига (Дивидендларни тўлаш тартиби) асосан: «Эгаси ёки унинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри даъво қилиш учун белгиланган муддатда талаб қилиб олмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан жамият ихтиёрида қолади».*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 77-уй.**
**Мурожаат учун телефонлар:**
**(8-371) 113-33-16, 113-33-12.**

660А/393

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

*Хабарингиз бор, бугун Навоий вилоятининг Сармишсой дарасида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ташаббуси билан ўтказиб келинаётган “Асрлар садоси — 2013” анъанавий маданият фестивали бошланади.*

# Тасвирларга кўчган туйғулар



Нуфузли анжуман учун ушбу манзил танланганини бежиз эмас. Гап шундаки, Сармишсой ҳудудида манзил қурган, яшаган аждодларимиз ўзларининг турмуш тарзи ҳақида ноёб санъат намунаси — петроглифлар қолдиришган. Улардан айримлари 30-40 см., айримлари эса 70-80 см., баъзилари бир метрдан ортиқ. Ушбу ноёб тасвирларни ўрганган мутахассислар, археологларнинг маълумотларига қараганда, петроглифлар неолит, бронза даврларидан бошлаб яратилган.

Қоятошларга муҳрланган расмларнинг ҳар бирини гўзал асар, дейиш мумкин. Масалан, уларнинг бирида одам қўллари билан ёғоч таёқни ушлаганча чўккалаб ўтирибди. Бир қарашда, нимагадир сиғиниб, илтижо қилаётгандек туюлади. Аммо разм солинса, у ёғоч таёқни бурамоқда, бураб-бураб олов чиқармоқчи. Унинг бош кийими гўё шамол, шабадада ҳилпираб тургандек силкинмоқда.

“Муҳаббат тимсоли” номи билан машҳур тасвирда эса икки от икки оёқда тик турганича бошларини бир-бирига суйкаб, икки олд оёғи бири-бирини қучмоқчи. Бу сурат, ибтидоий шаклда чизилган бўлса-да, унинг ижодкорлари буюк инсоний туйғу: гўзал ва боқий муҳаббатни ифодалашган. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, мазкур тасвир минг йиллар олдин ҳам пок инсоний туйғу — муҳаббатнинг ҳаётбахш сеҳру жозибасини сўндирмасдан етказиб берганлиги билан бағоят қадрлидир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мустақиллик йилларида юртимизда маънавият, қадрият, меросга алоҳида эътибор қаратилганлиги боис Сармишсойдаги обидаларга ҳам қайта ҳаёт бахш этилди. 2004 йили очиқ осмон остидаги маданий хазина — Сармишсой табиий археологик мажмуа музейи қўриқхонаси ташкил этилганлиги аждодларимиз яратган йирик маънавий бойликни асраш, эъзозлаш, уларнинг илмий аҳамияти ва қийматини ўрганиш, қадрлаш ҳамда келажак авлодларга бус-бутун етказишдек эзгу ишларни амалга оширишда кенг имкониятлар яратиб берди. Ўзбекистон, Норвегия, Финляндия, Россия, Қозоғистон каби мамлакатларнинг мутахассис-олимлари ўзаро тажриба алмашиб, Сармишсойда илмий ҳамкорлик ишларини олиб бормоқдалар.

2010 йилнинг сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида “Марказий Осиё қоятош суратларини илмий ўрганиш, асраш ва тарғиб қилиш” мавзуида ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда Халқаро илмий анжуман ташкил қилинди. Унда қирқдан зиёд мамлакатдан мутахассислар, тарихчилар, археологлар иштирок этди. Илмий анжуман меҳмонлари Сармишсой табиий-археологик мажмуа музейи қўриқхонасини ўрганиш учун Навоий вилоятида бўлдилар.

Эзгу мақсад йўлида олиб борилган ва изчил давом эттирилиб келинаётган бундай амалий ишлар қадимий манзилдаги осориатиқаларни ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритишдек саъй-ҳаракатларнинг бошлаб юборилишига асос бўлди.

Дарҳақиқат, Сармишсой ҳам тарихан, ҳам табиатан ўзига хос, беқиёс, ажойиб маскандир. Унинг тупроғида табиатнинг гўзаллиги қанчалик бетакрор ва мафтункор бўлса, қадимий жойни макон айлаган аждодлар яратган маънавий мерос унинг шуҳратини, қадрини бемисл юксалтириб, жаҳон маданияти тарихида ўз ўрни, аҳамияти улуғворлигини бутун бўй-басти билан намоён этмоқда.

Шу кунларда Навоий вилоятида фестиваль шукуҳи ҳукмрон. Асрий анъаналаримизни кўз-кўз қилишда беқиёс аҳамиятга эга ушбу тадбир олдидан катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Аввало, ободончиликка катта эътибор қаратилди. Сармишсойга элтувчи йўл кенгайтирилди, янги асфальт ётқизилди. Йўлнинг, айниқса, Қалқонота ҳудудидан ўтувчи масофасининг икки томонидаги туражойлар, ҳовлилар, бинолар кўркам ҳолатга келтирилди. Йўлаклар янгиланди. Йўл бўйларидаги дарахтларга ишлов берилди, қўшимча ниҳоллар ўтқазилди.

Дашт бўйлаб равон йўл, унинг ёқаларида тизилган игнабаргли яшил ниҳоллар ва Сармишсой ҳудудига кириб борувчи жойлар гўзал масканга ярашиқ чирой бағишлади.

Қадимий аждодлар онгу шууридан тўлқинланиб, вужудига куч-қудрат олган бугунги авлод миллий қадриятларимизнинг боқийлигини ана шундай ўзига хос байрамлари билан шарафлаётганлиги дилларда ифтихор туйғуларини уйғотади. Шундай бахтга муяссар бўлган халқимизнинг толеи баланд, маънавияти ҳамиша офтобдек нурафшондир.

**Раҳим ҚОДИРОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

# Китобхонлар байрами

*Бухорода республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан ташкил этилаётган китобхонлар байрамининг ҳудудий босқичида ғолиблар номи аниқланди.*

## ТАНЛОВ

Китобхонликни кенг тарғиб этиш, ёшларнинг бадиий адабиётга бўлган қизиқишларини кучайтириш, уларни ёт ғоялардан асраш, маънавий дунёқарашини бойитиш, ёш иқтидор эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби бир қатор мақсадларни ўз олдига қўйган мазкур тадбирда Бухоро ҳамда Навоий вилоятларидаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар қатнашди. Ўзига хос маданий-маърифий танловда “Энг фаол тарғиботчи”, “Китоб — тафаккур хазинаси”, “Ёш ижодкор талаба” сингари йўналишлар бўйича ғолиблар номи аниқланди. Улар орасида Бухоро давлат университети талабаси Мафтуна Ўринова, Навоий давлат педагогика институти вакили Нафиса Тоштемирова, Бухоро давлат тиббиёт институти талабаси Аҳад Аҳмедов каби фаол китобхон ёшлар бор. Ғолиблар мазкур тадбирнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Она юрт манзаралари

## КЎРГАЗМА

*Наманган давлат университети Педагогика факультетининг тасвирий ва амалий санъат йўналишида икки юзга яқин ёшлар мусаввирлик маҳоратидан сабоқ олишади. Улар сафида иқтидорли мўйқалам соҳиблари тобора кўпайиб бормоқда.*

Бу, жумладан, таълим муассасасида ташкил этилган “Ватан мадҳи — ёшлар нигоҳида” номли тасвирий санъат асарлари кўргазмасида ҳам яна бир бор кўзга ташланди. Талабалар унда рангтасвир, графика, миниатюра, шунингдек, амалий санъат, либослар дизайни бўйича ижодий ишлари билан қатнашдилар. Бунда айниқса, Бобур Набиев, Мафтуна Олимова, Акбар Жалолов, Муаззам Каримова сингари истеъдодли ёш рассомларнинг она-Ватан, обод турмуш манзараларини акс эттирган асарлари кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


● Реклама ва эълонлар ●

Автомобили УАЗ

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

УАЗ Patriot (comfort) — пикап






ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (8-371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09. (+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz



ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ ВА ТИНЧЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»га мувофиқ,** магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунлари ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ**.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!**
**ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар улардан ундириб олинади.




**ЭСДА ТУТИНГ!** Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ҳамда бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:**

| | |
|---|---|
| **«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси,** Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй | (8-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи,** Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй | (8-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 199-19-40 |
| **Иккинчи линия кабель цехи,** Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй | (8-595) 199-19-32, 199-19-31 |
| **Тошкент шаҳар кабель участкаси,** Хуштепа 4-тор к., 4-уй | (8-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 199-19-34 |
| **Пахта кабель участкаси,** Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй | (8-595) 199-19-36 |
| **Учинчи линия кабель цехи,** Тўйтепа ш., Спорт к., 45-уй | (8-595) 199-19-37 |
| **Ангрен шаҳар кабель участкаси,** Амир Темур к. | (8-595) 177-02-68 |
| **Бекобод шаҳар кабель участкаси,** Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А» уй | (8-595) 177-06-64 |
| **«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси,** Қўқон ш., Истиқлол к., 58-уй | (8-373) 552-20-11, 552-22-01 (соат 8.00 — 17.00) (8-373) 552-34-17, 552-21-66 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй | (8-373) 529-24-55, (соат 8.00 — 17.00) (8-590) 556-05-58 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй | (8-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 400-03-98 |
| **Учинчи кабель участкаси,** Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминора | (8-369) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 300-03-41 |
| **Тўртинчи кабель участкаси,** Андижон ш., Чўлпон к., 9 | (8-374) 222-23-81 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 202-02-39 |
| **«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси,** Гулистон ш., Дўстлик қўрғони | (8-367) 227-16-20, 225-49-75 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-17 |
| **Сирдарё кабель участкаси,** Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи | (8-595) 510-10-04 |
| **Иккинчи линия техник цехи,** Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй | (8-367) 272-30-28 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-27 |
| **Учинчи линия техник цехи,** Жиззах ш., Ш. Рашидов к., 46-уй | (8-372) 226-22-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-41 |
| **Кабель участкаси,** Даштобод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи | (8-595) 510-10-46 |
| **«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси,** Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй | (8-366) 442-25-60, 442-68-05 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 199-00-55, 177-50-05, 500-19-07 |
| **«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси,** Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй | (8-365) 224-45-41 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 600-12-02 |
| **Линия кабель цехи,** Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй | (8-365) 228-53-22 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 600-60-15 |
| **«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси,** Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй | (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 601-11-53, 601-12-39 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Тўрткўл ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-595) 601-43-86 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-595) 601-43-84 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Қўнғирот кабель участкаси,** Қўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-595) 601-43-67 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Жаслик кабель участкаси,** Қўнғирот тумани, Жаслик аҳоли пункти, Тулей станцияси | (8-595) 601-05-28, 601-14-97 |
| **«ТТТ» филиали Еттинчи боғламаси,** Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй | (8-376) 223-13-85, 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия техник цехи,** Денов ш., Ш. Темиров к., 4-уй | (8-376) 227-37-62, (8-595) 501-11-07 |
| **«ТТТ» филиали Саккизинчи боғламаси,** Қарши ш., Хуснобод к., 1-уй | (8-375) 221-02-41(соат 8.00 — 17.00) (8-375) 221-17-25, (8-595) 505-05-12 |
| **Биринчи линия техник цехи,** Қарши ш., Хуснобод к., 1-уй | (8-375) 221-17-25, (8-595) 505-05-14 |
| **Иккинчи линия техник цехи** Ғузор ш., Гулзор к., 23-уй | (8-375) 505-05-13, (8-595) 505-05-41 |
| **«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси,** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй | (8-362) 226-36-58, 226-36-33 (8-595) 602-18-01, 602-22-13 |
| **«ТТТ» филиали Ўнинчи боғламаси,** Навоий ш., Кармана к., 2-«Б» уй | (8-436) 224-74-21 (8-595) 603-07-38 |
| **Биринчи линия техник цехи,** Каттақўрғон ш., Чағаноқ қишлоғи | (8-595) 603-33-19 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Ғиждувон ш., Ғовшон қишлоғи | (8-598) 278-74-22 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Учқудуқ ш., ДЭУ қўрғони | (8-595) 603-12-84 |

360R/150


Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Марказий кенгаши ҳамда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази жамоалари ташкилот Марказий кенгаши раиси вазифасини бажарувчи генерал-майор Қ. Мамедовга синглиси **Маликахон МАМИТОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси Бирлашган қўмитаси “Фан ва турмуш” журнали масъул котиби Ҳайдарали Марупович Ориповга опаси **АЧАХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Oʻzbekiston” телерадиоканали жамоаси “Ахборот” информацион дастурлар бош муҳарририяти режиссёри Шуҳрат Абдуллаевга волидаи муҳтарамаси **ДИЛОРОМ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Ижтимоий реклама

**2013 йилда қишлоқларда имтиёзли кредит асосида қуриладиган замонавий уй-жойлар учун буюртмалар қабул қилиш бошланди!**

**2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти.
- Қулай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда.
- Замонавий дизайндаги уйлар.
- Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга.
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равон йўлларга эга.
- Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.



**Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қолинган маблағингиз оилавий режалар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади.
- Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратади.
- Янги уйлар сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фарзандлар учун мерос.



**Келажак учун ЖАМҒАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Омонатингизни кўпайтириш имконияти.
- Имтиёзли фоиз ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити.
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари.
- Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди.
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни — тежамкорлик ва арзон нархлар гарови.



**Замонавий қурилиш моллари ва ЮҚОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги.
- Бир йиллик сифат кафолати.
- Улгуржи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.



**Марҳамат, мурожаат қилинг!**

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига.
- Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига.
- «Камолот» ЁИҲ бўлинмаларига.
- Хотин-қизлар қўмиталарига.
- «Қишлоқ қурилиш банк» филиалларига, минибанкларига.
- «Қишлоқ қурилиш инвест» филиалларига.

100060, Тошкент ш., Шаҳрисабз к., 36-уй.
Тел.: (+998 71) 150-93-39.
Факс: (+998 71) 150-39-93.
www.qqb.uz
e-mail: headoffice@qqb.uz

54R/



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 114 621 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5